*Қишлоқ ва ислоҳот*

# ЕР — ЗАР, ФЕРМЕР — ЗАРГАР

***МАМЛАКАТИМИЗДА хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари Қуйичирчиқ туманида мустақил фермер хўжаликларининг кўпайиши ва мустаҳкам оёққа туриб олишида ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.***

БУГУНГИ кунда туманимизда 165 фермер хўжалиги мустақил ва эркин фаолият юритиб, деҳқончилик соҳасида ҳам, чорвачиликда ҳам энг юқори кўрсаткичларга эришиб, туманнинг иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Улар ўзларига ажратиб берилган жами 2888 гектар майдонда асосан пахта, ғалла ва озуқа экинларидан йилига барқарор ҳосил олмоқдалар. Хўжаликлар бошқаруви билан тузилаётган шартнома режалари мунтазам анча ортиғи билан бажарилмоқда.

Фермер хўжаликларининг 1999 йилги мавсумда эришган иқтисодий кўрсаткичлари, айниқса, салмоқли бўлди. Давлатга 1463 тонна пахта, 1828 тонна буғдой, 53 тонна сут, 9,8 тонна гўшт топширилди. Бундан ташқари эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сабзавот, полиз маҳсулотлари ва турли ҳил мева етиштирилди.

Маълумки, туманимизда давлатга пахта топшириш шартнома режаси бажарилмай қолди. Туман бўйича 71 фоиздан зиёд майдонга бузиб қайта чигит экишга тўғри келганлиги ҳам бунга сабаб бўлди, албатта. Лекин фермер хўжаликлари гўё табиий офат юз бермагандек, пахта сотиш шартнома режасини 175 фоиз қилиб бажардилар. Жумладан, "Ўзбекистон" тажриба хўжалиги таркибида фаолият юритаётган "Қудрат", "Истиқлол", "Қува", "Пахтачи" жамоа хўжалигидан "Анвар", "Ғофур", "Меҳнатобод" хўжалигига қарашли "Исроил", "Дўстлик" жамоа хўжалиги ҳудудидаги "Бодом" ва Беруний номли жамоа хўжалигидан "Абдуҳаким" фермер хўжаликлари, айниқса, салмоқли натижаларга эришдилар. Уларда ҳосилдорлик 35-40 центнерданга тўғри келди.

Ушбу рақамлар салмоғидан кўриниб турибдики, агар кўп йиллик тажрибага эга бўлган, ишнинг кўзини биладиган деҳқонларнинг ташаббуси, орзу-ниятлари қўллаб-қувватланса, улар ер эгасига айлансалар ва мустақил, эркин фаолият юритиш имконига эга бўлсалар, бошқача қилиб айтганда замонамиз мулкдори ҳисобланган чинакам фермерларга айлансалар, ерни ҳам яшнатадилар, эккан ҳосилларини олиб, даромадни ҳам бир неча баровар оширадилар, ўзлари бойийдилар, юртни ҳам тўйдирадилар. Буни биргина ғаллачиликда эришган натижа билан исботлаш мумкин. Туманимиз фермерлари 1999 йилги мавсумда 2541 тонна буғдой етиштирдилар. Юқорида айтилганидек, шундан 1828 тоннасини давлатга топширдилар. Қолган 713 тонна буғдой фермер хўжаликлари аъзоларига бўлиб берилди. Бу эса уларнинг ҳар бири, беистисно, мўмай даромад қилиб, рўзғорларини бутлаб олдилар, деган сўздир.

Бизнинг уюшмамиз Юртбошимиз ва республика ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириб боришга йўналтирилган фармон ва қарорларини амалга ошириш учун бор имкониятларни ишга солмоқда, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва моддий манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиб, мустаҳкамланиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни тўла яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Уюшмамиз фаолият доираси республика Вазирлар Маҳкамасининг "Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбдирлари тўғрисида"-ги қароридан сўнг, айниқса, кенгайди. Эндиликда янгидан деҳқон фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг ердан қандай фойдаланаётганларини ўрганиш, қўшимча ер майдони ажратиб бериш ёки аксинча ерга ёлчитиб экин экмай, умрини бекор ўтказаётганлардан уни амалдаги қонунларда белгиланган тартибда қайтариб олиш ҳақида таклиф киритмоқдамиз. Юридик, ахборот, маркетинг ва бошқа хизмат турларини йўлга қўймоқдамиз. Шунингдек, фермерларимизга банк муассасаларидан кредитлар олиш, етиштираётган маҳсулотларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорда сотишларига ёрдам бермоқдамиз. Уюшмамизнинг ана шу саъй-ҳаракатлари натижасида вилоятимизда мустақил фермерлар сафи йил сайин кенгайиб, иқтисодий жиҳатдан барқарорлашиб, туманимизнинг умумий тараққиётида салмоқли ўринни эгалламоқдалар.

**Баҳтиёр ЎСАРБОЕВ,**
**Қуйичирчиқ тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.**

# "ҲАЙДОВЧИ" РАҚОБАТЛАШМОҚДА

*Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл*

***ВИЛОЯТИМИЗ халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқлари қатори автотранспорт хизмати соҳасида ҳам яккаҳокимликнинг мавқеи тобора сусайиб бормоқда. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитларида юк ва йўловчи ташувчи хусусий, жамоа корхоналари пайдо бўлмоқда. Улар транспорт хизмати кўрсатишда давлат корхоналари билан рақобат қилмоқдалар.***

Шундай уюшмаларнинг бири Янгийўлда ишлаб турипти. У бундан уч йил илгари шаҳардаги автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамияти қошида барпо этилган эди. "Ҳайдовчи" деб номланган бу кичик корхонани ташкил этишга транспорт соҳасида тажрибали мутахассис Кароматли Бобоёров қўл урди. Тадбиркорнинг ташаббуси шаҳарнинг мутасадди ташкилотлари томонидан ҳам маъқулланди. Унинг таъсисчиси бўлган автобус-такси саройи кичик корхонанинг Низом жамғармасига кераклли пул ажратди.

— Кичик корхонани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди К. Бобоёров, — тармоқда ишлаётган, хусусий автобус, микроавтобус ва шахсий енгил автомашиналар эгаларининг бошини қовуштириш, бундан ташқари, транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи дўкон, уларга техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш шохобчаларини очиш эди. Бундай кичик корхона очилганлигидан хабар топган хусусий транспорт эгалари янги жамоамиз сафига қўшила бошлашди. Қисқа вақт ичида уларнинг сони 120 нафардан ошиб кетди.

Чунки, аъзо бўлишнинг афзалликлари кўп эди. Корхона шаҳар автобус-такси саройи ҳудудида жойлашганлиги туфайли қатор қулайликларга эга эди. Хусусий ҳайдовчилар машиналарини шу ерда техник кўрикдан ўтказиб туриш, созлаш, нуқсонларини бартараф этиш имконига эга бўлдилар. Айни вақтда ўзлари доим тиббий кўрикдан ҳам ўтиб туришлари мумкин.

Одатда, мустақил ишлайдиган автомашиналар эгалари тегишли ташкилотлардан патент олишлари керак. Улар шундай тартибда йўловчиларга хизмат кўрсатсалар, ҳар ойда беш-олти минг сўм солиқ тўлашлари лозим. Кичик корхонага аъзо бўлган ҳайдовчи эса, ойига бир минг сўм атрофида ҳақ тўлайди. Айни вақтда кичик корхона унга бепул лицензия ҳам олиб беради.

Натижада тез орада корхонада ишлар юришиб кетди. У транспорт воситалари қатнайдиган йўналишлар бўйича тендерларда ҳам муваффақиятли қатнашадиган бўлиб қолди. Шаҳарда ўтказилган шундай тадбирда учта йўналиш ютиб олинди. Корхонанинг автобуслари ва кичик автобуслари "Халқобод — Гулбаҳор", "Паррандачилик фабрикаси — Дам олиш уйи", "Ниёзбош — Халқобод" йўналишларида қатнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу йўналишлар тўлалигича улар ихтиёрига бериб қўйилди.

Корхонанинг қатор ҳайдовчилари ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан йўловчилар ҳурматини қозонишга ҳам муваффақ бўлдилар. Исроил Мирзакамолов, Маъмуржон Содиқов, Худоёр Каримқулов, Мелибой Исмоилов, Нажмиддин ва Анвар Каримовлар ҳамда бошқа шу каби транспортчилар доим хизматга ҳозиру нозирлар. Ўз автомашиналарининг техник ҳолати доим кўнгилдагидек бўлгани учун ҳам ҳар бир йўналишда бир маромда қатнамоқдалар, йўловчиларнинг миннатдорлигига сазовор бўлмоқдалар.

Шу ерда бир муаммо ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шаҳарда ва туманда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан ўзбошимча кира қилиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар ниҳоятда кўпайиб кетган. Бундай "тадбиркор"ларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаяпти. Улар "Ҳайдовчи" транспортчилари хизмат кўрсатаётган йўналишларда қатнаб, лицензия асосида ишлаётганларнинг "нони"ни яримта қилмоқдалар. Бунинг устига ишлаб топган маблағларидан солиқ тўламайдилар. Бундан давлат ҳам зарар кўрмоқда, маҳаллий бюджетга анчагина миқдордаги маблағ тушмаяпти. Ачинарлиси шундаки, бундай тартиббузарлардан "Ҳайдовчи" жамоасининг айрим аъзолари ҳам "намуна" олмоқдалар.

Кичик корхона маъмурияти яқинда транспорт хизмати кўрсатишда амалдаги қоидаларга риоя этмаётган 70 нафар шахсий автомашиналар рўйхатини тузиб, шаҳар ДАН бўлимига тақдим этди. Ҳозирча уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Ваҳоланки, бу мўмай даромад топишга муккасидан кетган, фақат ўзининг шахсий манфатини кўзловчи кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш, маҳаллий бюджетга муайян миқдорда маблағ тушишини таъминлаш имконини берарди.

**Обид СЎФИХОНОВ.**





*ПАРКЕНТ туманида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари йил сайин кўпайиб бормоқда. Шулар орасида помидор пастаси тайёрлашга ихтисослашган "Экотоза-М" корхонаси алоҳида нуфузга эга. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда экологик тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи биринчи ўринга қўйилган.*

*Корхона аҳли ўтган йилги мавсумда 500 тоннадан зиёд томат пастаси тайёрлаб, савдога чиқарди. 'Бунда корхонанинг Шерзод Исматов (суратда чапда) ва Рустам Норматов (ўнгда) каби ёш ишчиларининг ҳиссалари катта бўлди.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Қарор ва ижро*

# УСЛУБ ВА МУАММОЛАР

***ТОШКЕНТ вилояти хўжаликларида жорий йилда 432,8 минг тонна дон етиштириш режалаштирилган. Шундан 263,8 минг тоннаси давлат буюртмаси бўйича етказиб берилади. Айни пайтда 121 минг гектар майдонда униб чиққан ғалла сифатли озиқлантирилмоқда.***

Бироқ, тажрибадан шу нарса маълумки, мўлжалдаги ҳосилни олиш учун агротехника талабларига риоя этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Экинни турли касалликлар ва зараркунанда ҳашоратлардан сақлашдан ташқари, айниқса, унинг пайҳон қилинишининг ҳолларига ҳам барҳам бериш зарур. Айнан шу боис, республика Вазирлар Маҳкамаси "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида" қарор қабул қилгани ҳам бежиз эмас.

Мазкур ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда пойтахт вилоятида энг кўп ғалла етиштириладиган туманлардан бири — Ўртачирчиқда ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада хўжаликлар, ҳуқуқ-тартибот, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарларининг жавобгарлиги янада оширилди. Айни пайтда далаларда 86 та махсус кузатув пости ташкил этилган. Аммо шунга қарамай чорва ғаллазорни пайҳон қилиши тўхтамаяпти. Йил бошидан буён еттита ана шундай ҳолат аниқланди. Тўғри, айбдор шахслар жавобгарликка тортилди. Улардан келтирилган зарар ундирилди. Лекин бу қўлдан бой берилган ҳосилнинг ўрнини босармикан ?

— Далага чиққан қорамол ёки қўй-қўзи салгина қаровсиз қолдирилса, дарров кўкка интилиши табиий. Ачинарлиси шундаки, яшил майсаларга у оғзидан ҳам кўра оёғи билан кўпроқ зарар етказади. Бунинг олдини олиш мураккаб иш. Аммо уддасидан чиқиш мумкин, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Комилжон Шокиров. — Назаримда ҳамма иш қилинаяпти-ю, аммо энг асосий омил — йил-ўн икки ой далада меҳнат қиладиган деҳқоннинг бу борадаги моддий манфаатдорлигини тўла таъминлашга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Агар ана шунга тўлиқ эриша олсак, деҳқон экинга ўзиникидай қарайди, унга ҳеч қандай чорвани яқин йўллатмайди.

Суҳбатдошимизнинг гапида жон бор. Чунки туманда экинлар пайҳони деярли қайд этилмаётган хўжаликлар фаолияти таҳлил қилинса, бу ерда иш юритиш қатъий шартнома асосида ташкил қилингани, деҳқон ўз меҳнати натижасидан тўла манфаатдор эканлигига амин бўласиз.

"Ўртасарой" деҳқон-фермерлар уюшмаси — ана шундай хўжаликлардан бири. Унинг аъзолари ўзларини ернинг, етиштириладиган ҳосилнинг ҳақиқий эгалари санашади. Шу боисдан бўлса керак, уюшма раиси Муқаддас Холиқованинг айтишича, ўтган йилда мавжуд 700 гектар ғаллазордан ўртача 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлат буюртмаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. Натижада уюшма аъзоларининг ҳар бири мўмайгина даромад қилди, қолаверса, режадан ортиқча етиштирилган дон ҳисобига рўзғорига уч-тўрт тоннадан дон ғамлаб олди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳолатда деҳқонга бирон кўрсатма бериш, экинни кўриқлашга даъват қилишга умуман ҳожат йўқ.

Кўриниб турибдики, ғалланинг пайҳон қилинишининг олдини олишда деҳқоннинг ўзи бош қўриқчи бўлиши мумкин. Бироқ шунга қарамай, бу вазифани уларнинг ўзигагина ташлаб қўйиш ҳам инсофдан эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пайҳон аҳоли яшаш жойлари билан туташиб кетган далаларда кўпроқ содир этилмоқда.

Навоий номидаги тажриба хўжалиги аҳоли энг тиғиз яшайдиган ҳудуд. Бу ерда ғалла ҳам туманда энг кўп — 1260 гектар майдонда парваришланмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ишда маҳаллий аҳоли ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, экинлар пайҳонига қарши курашда маҳалла фаоллари бош-қош. Чунки улар ҳосил тақдирига бефарқ эмас. Хўжалик жадал ривожланиб, йилдан-йилга иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб бормоқда. Ерлардан олинаётган ҳосил муттасил кўпаймоқда. Ўтган йилда биргина ғаллачиликнинг ўзидан 18 миллион сўм соф фойда олинди. Албатта, бунинг салмоқли қисми аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга йўналтирилаётир.

Жорий йилда ҳар гектар ердан ўртача 39 центнердан ғалла йиғиштириб олиш, ялпи маҳсулотни 4650 тоннага етказиш режалаштирилган хўжаликда экинни пайҳон қилинишидан асраш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Айни пайтда экинзорларга 14та отлиқ, ўнта пиёда дала қоровули қўйилган.

Хўжалик раҳбари ўринбосари Ролберт Вафин бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бермай қолмаётганини мамнуният билан таъкидлайди. Энг асосийси экинларни пайҳон қилиш кескин камайди. Бироқ, эндиликда бизни бошқа бир муаммо қийнаяпти, дейди суҳбатдошимиз. Аҳоли шахсий чорва молларини қаерда, ниманинг ҳисобига боқади? Биз уларни имкониятимизга қараб ем-хашак билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари, ўтган йили тўрт гектар ташландиқ ерни маданийлаштириб, яйлов сифатида ажратиб бердик. Бироқ бу жуда кам.

Пировардида айтиш мумкинки, экинларнинг пайҳон қилинишига бутунлай чек қўйишда кўзланган самарага эришиш учун аҳоли шахсий хўжалигини юритишга ҳам яқиндан кўмаклашиш, хусусан, чорва молларини боқиш учун тегишли миқдорда яйловлар ажратиш, ем-хашак билан таъминлаш ишларини ҳам йўлга қўйиш лозим. Афсуски, ҳозирча масаланинг бу жиҳатига унчалик етарли эътибор берилмаяпти.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# УЧ БОСҚИЧДА ЎТАДИ

*Мулоқот*

***Бу йил Конрад Аденауэр фонди Ўзбекистон "Маҳалла", "Камолот" жамғармалари, Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти, ТАСИС, "Тадбиркор аёл", Деҳқон ВС фермер хўжаликлари ассоциацияси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда "Номарказлаштириш – маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг негизи.***

***Унинг Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ўрни. Бу жараённинг ҳуқуқий, иқтисодий томонлари ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши" каби мавзуларда туркум халқаро семинарлар ўтказади.***

Республика "Маҳалла" жамғармасида дастлабки семинарнинг очилиш маросими бўлди. Мазкур жамғарма раиси Ш. Жалилов, "Конрад Аденауэр" жамғармасининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари В. Шрайбер туркум семинарларни ўтказишдан мақсад маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва қишлоқнинг иқтисодий ривожланишига қаратилган қонунларни, шунингдек, уларни амалда қўллаш механизмларини тушунтириш, хусусий тадбиркорлик борасидаги фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, қишлоқдаги ислоҳотларнинг олға силжишига халал бераётган салбий омилларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришдан иборат эканини қайд этдилар.

Фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш учун қулай шароит яратилади. Бу борада ўз-ўзини бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш, ҳуқуқларини кенгайтириш катта аҳамият касб этади.

Уч босқичли туркум семинарлар ҳокимлик вакиллари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, жамоат ташкилотлари ва журналистлар учун мўлжалланган. Семинарлар якунлангач, уларнинг энг яхши иштирокчилари жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган якунловчи анжуманга таклиф этилади.

**(ЎзА).**

# САНЪАТШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Бадиий Академияси ташаббуси билан Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" деб номланган маърузасини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев анжуманда сўзга чиқиб, юртбошимизнинг маърузасида мамлакатимизнинг бундан буёнги тараққиёти билан боғлиқ долзарб вазифалар, жумладан, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, мамлакат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар ўртага қўйилганлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан санъатшунослар ўз асарлари билан иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшажакларини билдирдилар.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Янгийўлда мурувват ва саҳоват тадбирларини амалга оширишда ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда иш олиб боряпти. Хусусан, шаҳар ҳокимлигининг кўмагида Ногиронлар жамияти ва Мурувват уйига бепул дори-дармонлар тарқатилди. Бу борада "Экосан" жамғармаси ва Қизил Ярим ой жамиятлари шаҳар бўлимларининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, "Соғлом авлод йили"да аҳолини спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда 12 та маҳалла ўртасида спортнинг теннис, шахмат-шашка каби турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Унда Нодирабегим, Назарали Ниёзов номли маҳаллалар вакиллари ғолиб бўлдилар.

**"Туркистон-пресс"**

# КАСАБАЧИЛАР САҲОВАТИ

Мамлакатимизда ижтимоий кам таъминланган кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват кўрсатиш одат тусига кириб қолди. Яқинда Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши Оҳангарон шаҳридаги Саҳоват уйида шу ҳилдаги тадбирни ташкил қилди.

Тадбирда Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши, Тошкент вилояти ижтимоий таъминот бош бошқармаси, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси вакиллари иштирок этиб, отахон ва оналарнинг кўнглини олишди.

— Сизларнинг икки оғиз ширин сўзингизу ҳолимиздан хабар олиб, йўқлаб келишингизнинг ўзи дилимизга малҳам, белимизга қувват берди, — деди Саховат уйида яшовчи отахон Аҳмад Болтабоев. — Бу масканда устимиз бут, бошпанамиз бор. Хуллас, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ.

Бу ерда истиқомат қилувчи отахон ва онахонларга Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши номидан "Samsung" телевизори ҳадя қилинди.

**"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"**

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

**МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР**

## Воқеалар тўлқинида

◆ ДУШАНБА куни Франциянинг Страссбург шаҳрида Оврупо Иттифоқининг парламент Ассамблеяси иш бошлади. Бир неча кун давомида мазкур анжуманда дунёнинг турли минтақаларидаги "оловли нуқталар"га муносабат масаласи муҳокама этилди.

◆ ШУ ЙИЛ 26 январда Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган куннинг 50 йиллиги кенг нишонланди.

◆ ЖАНУБИЙ Америкадаги Эквадорда давлат тўнтариши амалга оширилди. Собиқ президент Жамол Маувад ҳибсга олинди. Пойтахт Китода вице-президент Густаво Набоа янги давлат бошлиғи деб эълон қилинди.

◆ЯПОНИЯ пойтахти Токиода Буюк Британия, Италия, Канада, АҚШ, Франция, Олмония ҳамда Япония молия вазирлари ҳамда марказий банклари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу йиғиндан сўнг Халқаро Валюта Фонди вакилларидан бир неча киши Россияга келдилар.

◆ ҚОЗОҒИСТОНДА Туркистон шаҳрининг 1500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш бошлаб юборилди. Тантаналарнинг шу йил октябрь ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Анжуманлар Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Қозоғистон—Туркия дорилфунунида бўлади.

◆ ЧОРШАНБА куни Хитойда телекоммуникация сунъий йўлдоши — "Чжунсин-22" фазога учирилди. У орбитада саккиз йил ишлайди. Йўлдош "Чанчжэн-3А" ракетаси воситасида осмонга чиқарилди.

◆ АНГЛИЯ қироличаси Елизавета II Волгоград (собиқ Сталинград) шаҳрининг фахрий фуқароси, деб эълон қилинди. Қиролича иккинчи жаҳон уруши йилларида шаҳарга катта моддий ёрдам берганлиги боис ушбу мартабага муносиб деб топилди.

## КИМДИР ҚУРОЛЛАНМОҚДА, КИМДИР ЁРДАМ БЕРМОҚДА

***ЯНГИ АСР бўсағасида айрим мамлакатларда ўзининг ҳарбий доктринасини меёрига етказиш ва давлат ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш учун катта саъй-ҳаракатлар кўрсатилмоқда.***

Яқинда Греция ҳукумати Россия ва Украинадан "Зубр" русумли десант кемаларини сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилди. Греция мазкур давлатларнинг қурол-яроғ экспорт қилувчи идоралари раҳбарлари билан ушбу ҳарбий савдо-сотиқ тўғрисида шартномалар имзолади.

Бироқ, Америка Қўшма Штатлари сингари ривожланган йирик давлатлар жаҳондаги кўпгина мамлакатларга ўз иқтисодиётини тараққий эттиришда кўмак бермоқда. АҚШнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича мувофиқлаштирувчиси — элчи Билл Тейлорнинг куни кеча Арманистон пойтахтига беш кунлик ташриф билан келганлиги ҳам юқоридаги масала билан бевосита боғлиқ бўлди. Режага кўра ташриф чоғида Арманистон ҳукумати аъзолари билан учрашиб, Б. Тейлор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қила бошлади.

## ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА БАРДОШ КЕРАК

ЯҚИН ШАРҚ минтақасида барқарор тинчлик ўрнатиш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Миср, Франция сингари давлатлар ҳомийлигида ўтказилган Исроил ва Фаластин музокаралари ҳанузгача ўйланган самараларни бераётгани йўқ. Эндиликда навбатдаги қадамлар қўйилмоқда.

Яқинда Исроил раҳбарияти ва Фаластин маъмурияти ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш мақсадида ўтказилаётган музокараларни февраль ойида янада фаоллаштиришга келишиб олдилар. Маълумотларга қараганда, Исроил бош вазири Эҳуд Барак Исроил-Фаластин музокараларида иштирок этиш учун келгуси ҳафтада яна АҚШга ташриф буюради. Унда чегара, қочқинлар муаммоси ва бошқа бир неча масалалар муҳокама қилинади.

Бу орада қатор хорижий мамлакатларда сафарда бўлиб қайтган Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Қоҳирада Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак билан учрашди. Мулоқотда баайни Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди. Ё. Арофат Миср раҳбарига мазкур масалада АҚШ президенти Билл Клинтон ҳамда Португалия ташқи ишлар вазири Жайм Гам билан бўлган музокаралар якунлари тўғрисида гапириб берди.

## ДУНЁ ТАҚДИРИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ХУДДИ шундай. Сўнгги йилларда жаҳон ёшлари дунёда бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларга чуқурроқ кириб бориш учун қатъий ҳаракат қилмоқдалар. Ҳафта ўртасида Нидерландияда бошланган ёшлар анжумани ҳам шу маънода катта аҳамият касб этмоқда. Унда ер куррасининг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 4 минг нафарга яқин йигит ва қизлар иштирок этдилар. Тадбир қатнашчилари тўрт кун давомида инсон ҳуқуқлари, ёшлар муаммоси, дунё хавфсизлиги ва тинчликни қарор топтириш каби кўплаб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Бундай анжуманни ҳар йили Гаага шаҳрида ўтказиш анъанага айланиб қолмоқда.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

● ЯҚИНДА Англия оммавий ахборот воситаларида ғалати хабар эълон қилинди... Англия бош вазири Тони Блэрнинг рафиқаси Черри хоним электричкада жўнаш учун ишга отланди. У яқинда тайинланган судьялик лавозимида бир ишни кўриб чиқиш учун шошилаётган эди. Бекатга келиб, чипта олай деса, ҳамён уйда қолиб кетибди. Кредит ҳужжати иш бермади. Чунки, чиптага нақд пул тўлаш керак. Биринчи хоним таваккал қилиб, вагонга чиқди. Аммо, омад юришмади. Ҳадемай назоратчи чипталарни текширишга киришди. Черри Блэр қўлга тушди.

Ялиниб-ёлборишлар иш бермади. "Қонун олдида ҳамма баробар. Ҳатто, у бош вазир рафиқаси бўлса ҳам..." деди назоратчи. Алқисса, Черри Блэр ўн фунт миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

● САРА Кнаус момо АҚШдаги энг қария инсон ҳисобланар эди. Бироқ, у янги аср бошланишига илиниш илинжига муяссар бўла олмади. Пенсильвания штатининг Аллентау шаҳарчасидаги қариялар уйида истиқомат қилаётган момо яқинда 119 ёшида у дунёга риҳлат қилди.

